2010 йил 24 август, сешанба

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 164 (11.725) Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **«Маҳалла» жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими, касаба уюшмаси шаҳар кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Марғилон оқшомлари» номли маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, она ва бола саломатлиги муҳофазаси, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича фикр билдирилди.**

● **Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида «Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши» ҳамда «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» автойўлларини бирлаштирган Бухоро шаҳрини айланиб ўтувчи автомагистраль ишга тушди. Мазкур ҳалқа йўли қурилиши натижасида Бухоро шаҳри ҳудуди бўйлаб қатновнинг камайиши ҳавонинг ифлосланиш даражасини кескин пасайтиради, вилоят марказида транспорт воситалари ҳамда пиёдалар ҳаракатланишига қулайлик яратади.**

● **Бувайда тумани Оққўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Аҳмад Тож Ҳайдар» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб ортиб бормоқда. Болалар учун беш турда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараётган мазкур корхона маҳсулотлари жорий йилдан украиналик ҳамкорларга ҳам етказиб бериладиган бўлди. Корхона ёрлиғи туширилган маҳсулот турларининг дастлабки намуналари экспорт қилина бошланди.**

● **Китоб тумани марказидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг капитал реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёнаси арафасида ёш футболчиларга совға қилинган мажмуани таъмирлаш ишларига Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиали томонидан 70 миллион сўм маблағ сарфланди.**

● **Қувасой шаҳрилик тадбиркор Мўсинжон Меҳмонов саъй-ҳаракати билан шифер ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси ташкил этилди. Қисқа муддат ичида бу ерда 1 миллиард сўмлик қурилиш ашёси ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, 100 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.**

ЖАҲОНДА

● **Россия, Мўғулистон ва Хитой энергетика, транспорт ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида фаол ҳамкорлик қилишни кўзда тутмоқда.**

● **Кеча жаҳон хом ашё биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг пасайганлиги кузатилди.**

● **Кеча Филиппинда собиқ полиция офицери томонидан автобусда гаровга олинган бир гуруҳ гонконглик сайёҳларни махсус хизмат вакиллари томонидан қутқариш чоғида сайёҳларнинг 8 нафари ҳаётдан кўз юмди.**

● **Россияда ҳосилнинг яхши бўлмаслиги тўғрисидаги башоратларни ҳисобга олган ҳолда жаҳон бозорида буғдойнинг нархи ошиб бормоқда.**

● **Кеча Португалиянинг шимолий қисмида 50дан ортиқ автомашиналарнинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида беш киши ҳалок бўлди, 72 та одам тан жароҳатларини олди. Жароҳатланганларнинг 48 нафари жуда оғир аҳволда.**

● **Ўрта Ер денгизи ва Адриатика мамлакатларини кучли ўрмон ёнғинлари қамраб олди. Жазирама иссиқ ва кучли шамол ёнғинларни жиловлашга халал бермоқда. Натижада хавфли жойлардан 1,5 минг нафар киши кўчирилди. Грециянинг Крит оролида эса ноёб пальма ўрмони куйиб кул бўлди.**

● **Кеча Литвага кучли бўрон хуружи оқибатида уч мингдан ортиқ киши электр қувватидан узилиб қолди.**

● **Қоҳирадаги музейдан В.Ван Гогнинг сурати ўғирланиши муносабати билан Миср маданият вазирининг ўринбосари М.Шалаан ҳибсга олинди.**

● **АҚШнинг Станфорд университетида дунёдаги энг кучли рентген лазери яратилди. У модда таркиби, жумладан, атомлар ва улар орасидаги кимёвий реакцияларни янада аниқроқ ўрганиш имконини беради.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Навқирон Ўзбекистон – 2010» республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН — 2010» ҒОЛИБЛАРИ

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, мусаввир ва ҳайкалтарошлар, ёш ижодкорлар, уларнинг устоз ва мураббийлари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камол топишига кўмаклашиш, ўғил-қизлар қалбида ватанпарварлик, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуларини шакллантириш, уларни маданият ва санъат соҳасидаги ютуқ ва янгиликлар билан таништиришнинг мукаммал тизими яратилган. Бу ёшлар иқтидорини рўёбга чиқариш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда, фаол ёшлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивалида иштирок этаётган ижодкор ёшлар тасвирий, халқ амалий санъатида баракали ижод қилиб, мамлакатимизда ўтадиган ва халқаро кўргазмаларда, санъат анжуманлари, ижодий фестиваллар, кўрик-танловларда муваффақият қозонмоқда.

«Навқирон Ўзбекистон – 2010» фестивалига тасвирий, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, фотография, видео-арт, инсталляция, кулолчилик, чиннигарлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, тўқимачилик каби кўплаб йўналишлар бўйича ижодий ишлар тушди. Нафосат ва баркамоллик байрамига айланган ушбу фестиваль доирасида ёшлар ижодига бағишланган бадиий кўргазмалар, санъатшунос олимлар, таниқли мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста ҳунармандлар иштирокида маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлари ташкил этилди. Ижодкор ёшларнинг илғор муаллифлик ғоя ва лойиҳаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари истиқлол йилларида пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, навқирон авлод камолоти ва истиқболи, миллий маънавиятимиз, санъатимиз ва маданиятимиз равнақи йўлидаги эзгу ишлар билан танишдилар, тасвирий санъат галереялари, кўргазма заллари, музейларга саёҳат қилдилар.

— Фестивалда миллий кулолчилик бўйича ижодий ишларим билан қатнашдим, — дейди Қўқон давлат педагогика институти талабаси Мирзағолиб Акромов. — Ушбу тадбир тенгқурларимнинг ижоди билан батафсил танишиш, тасвирий санъатнинг барча йўналиш ва жанрларидаги ютуқ ва янгиликлардан боҳабар бўлиш имконини берди.

Асосий номинациялар бўйича Саодат Мирдавидова, Нигора Шарафхўжаева, Мирзағолиб Акромов, Дилноза Нарзуллаева, Яна Олтинбоева, Татьяна Фадеева, Ғайрат Иброҳимов, Камола Икромова ғолиб деб топилди. Ғолибларга диплом ва совғаларни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова топширди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтказилаётган мазкур кўргазмада бадиий, илмий адабиётлар, журналлар, рангли фотоальбомлар намойиш этилмоқда. Уларда ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли юртимиз учун давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат каби барча соҳаларда ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани ўз ифодасини топган.

Кўргазмада Президентимиз Ислом Каримов асарлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавзудаги адабиётларга кенг ўрин берилган. Маънавий янгиланишларга бағишланган қисмда юртимизда миллий ўзликни англаш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги ижобий ўзгаришларни акс эттирувчи адабиётлар, рисола ва қўлланмалар, рангли фотоальбомлар намойиш этилмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва бебаҳо маънавий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи адабий-тарихий китоблар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотяпти.

«Баркамол авлод – юрт келажаги» бўлимидан юртимиз ёшларининг камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, илм-фан, спорт, санъат йўналишларида муваффақият қозонган ёшлар ҳаётини акс эттирувчи адабиётлар, фотосуратлар жой олган.

(ЎзА)

ПОКИСТОН ХАЛҚИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

21 август куни «Ил-76» транспорт самолётида Тошкентдан Исломободга табиий офатдан жабрланган Покистон халқига Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Вазни 40 тонна ва қиймати 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги мазкур инсонпарварлик ёрдами энг зарур нарсалар, жумладан, чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат.

Ўзбекистоннинг ушбу инсонпарварлик ёрдами Покистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу ерда инглиз тилида нашр этиладиган «World Tribune Pakistan» газетаси ўз саҳифалари ва веб-сайтида «Ўзбекистон тошқиндан жабр кўрган Покистон халқига инсонпарварлик ёрдамини жўнатди» сарлавҳаси остида материал чоп этди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Қардош Ўзбекистон ушбу мусибатли кунларда Покистон халқини қўллаб-қувватлади. Республика раҳбарияти Покистонда тошқиндан азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди».

Инглиз тилидаги яна бир веб-сайт – «Daily Times» «Бутун дунё Покистонга тошқин оқибатларини бартараф этишда ёрдам бермоқда» сарлавҳали материални эълон қилди. Унда қуйидагилар қайд этилган: «Ўзбекистон Покистонга тошқин қурбонлари учун 40 тонналик ёрдам юкини етказиб берди. Чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат ушбу ёрдам Ўзбекистондан транспорт самолётида келтирилди».

Ўзбекистон томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдамини Покистон вакилларига топшириш маросими, шунингдек, «Euronews» Европа телеканали орқали кенг ёритилди. Мазкур тадбир ҳақидаги фотолавҳа «Associated Press» (АҚШ) ахборот агентлигининг электрон саҳифасида ҳам эълон қилинди.

Айни вақтда Ўзбекистон томонидан етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами Покистон жамоатчилиги, расмий ва дипломатик доиралари томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Хусусан, инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимида иштирок этган Покистон Ислом Республикасининг Давлат ташқи ишлар вазири Навабзода Малик Амад Хон бундай деди:

«Мен ҳукуматимиз номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ва бутун қардош ўзбек халқига юборган ушбу зарур инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

2005 йили Покистон зилзила оқибатида вайрон бўлган пайтда ҳам Ўзбекистон халқимизга биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ва Исломободга инсонпарварлик ёрдами жўнатган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу оғир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдормиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одам жабр кўрди.

Президент Осиф Али Зардорий, Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги номидан Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтаманки, покистонликлар қардош ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди. Дўст кулфатда билинади! Покистонликлар учун оғир кунларда ўзбек халқининг олижаноблик ва бағрикенглик билан зарур ёрдам кўрсатгани айни мана шу халқ мақолининг яна бир ифодаси бўлди».

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **«ЎЗТРАНСГАЗ»** акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси иштирокида Маънавият тарғибот маркази Яккасарой тумани бўлими ташаббуси билан юртимиз Истиқлолининг 19 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Собир Раҳимов туманида «Уч авлод учрашуви» тадбири бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон амалий санъат музейида академик кулол Шариф Аҳмедовнинг «Сув келтирган азиз» мавзусидаги кўргазмаси очилди.

Куни кеча Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, кўплаб бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган кўргазмали семинар ва меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Фармон ва ижро

ЁШЛАРГА ЯНА БИР ИМТИЁЗ

Тадбирга пойтахт ва Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, таълим муассасалари битирувчилари таклиф қилинди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу кўргазмали тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу соҳага ёшларни, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини жалб қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунаси бўлди.

— Юртимизда кичик ва хусусий бизнесни жадал ривожлантиришга қаратилаётган эътибор иқтисодиётимизнинг ўсишига хизмат қилмоқда, —деди Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев. — Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ёшларга аниқ иш ўринлари яратилиши баробарида иш берувчиларга ҳам бир қатор имтиёз ва преференциялар белгиланаётир.

Эндиликда кичик субъектлар учун битирувчилар билан меҳнат шартномасига асосан, агарда ёшлар сони умумий ишчи-ходимларнинг 20 фоизини ташкил этса, тегишли имтиёзлар сақланиб қолади.

Хусусан, кичик корхоналарда 20 кишидан 24 кишига, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 нафардан 12 нафарга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида беш кишидан олти кишигача фаолият кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, йўналишларига қараб, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида 100 кишидан 120 кишигача, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида — 50 кишидан 60 кишигача; фан, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида — 25 кишидан 30 кишигача бўлган ҳолларда кичик субъектлар учун имтиёзлар ўзгармайди.

Семинарда янги фармоннинг моҳияти солиқ тўловчиларга тушунтирилиши баробарида, савол-жавоблар жараёни қизғин кечди, шу ернинг ўзида банд бўлмаган аҳоли учун иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузиш имконияти яратилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Тадбиркорларимиз томонидан маҳаллийлаштириш дастури имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари сифат жиҳатдан ички бозорда импорт ўрнини бемалол таъминламоқда.

«Национал пласт» қўшма корхонаси «Акфа» савдо белгиси билан иш юритаётган субъектлар билан ички кооперация алоқаларини ўрнатиб, бутловчи қисмлар тайёрламоқда. Эътиборлиси, яқинда ушбу корхона халқаро сифат сертификатига эга бўлиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг деярли тенг ярмини экспорт қилмоқда.

Ҳар қандай сиёсат аввало маълум бир ахборот майдонида амалга оширилади. Маълумки, барчага таниш бўлган «ким кўпроқ ахборотга эга бўлса, у дунёни бошқаради», деган фикр бугунги кунга келиб ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Буни шундай англамоқ керакки, ахборот нафақат коммуникацияларнинг технологик асоси, балки ижтимоий муносабатларнинг, сиёсатнинг ҳам негизи сифатида намоён бўлмоқда.

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ — ДАВР ТАЛАБИ

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, эндиликда ахборот давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада акс эттирмоқда.

Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинганига тўрт йил бўлди. Ушбу йиллар давомида бу борада биз нималарга эришдик?

Аввало қарорда таъкидлаб ўтилган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва мактаблар ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш ишлари деярли адо этилди. Марказлар зиммасига таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда ўқиб ўрганишга кўмаклашиш, миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш, янги ахборот технологиялари орқали ахборот хизматини кўрсатиш каби вазифалар юклатилган.

Бугун ахборот технологиялари асосида жамиятни ривожлантириб бориш, замон билан баравар қадам ташлашда турли адабиётлар, компьютер технологияси ва интернет тармоғидан фойдаланишнинг ўрни беқиёсдир. Ҳар бир фуқаро ўз билимини ошириш, керакли манбалар ҳамда маълумотларга эга бўлиш мақсадида кутубхонага ошиқади. «Кутубхоналар, — деган эди машҳур буюк математик олим Лейбниц, — инсоният барча руҳий бойликларининг дурдоналаридир. Шунинг учун ҳам кутубхона ишини ҳар қандай мамлакатнинг кечасию бугуни, келажагини бирлаштириб турувчи қон томирига ўхшатиш мумкин».

Ҳозирги пайтда республикамизда етти мингдан ортиқ кутубхона бирлаштирилган бўлиб, мингдан ортиқ ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Шулардан бири Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида ҳам фаолият юритмоқда. Ўқув ҳамда бадиий адабиётлардан иборат 42 минг китоб жамғармасига эга ахборот-ресурс марказига муассасанинг янгидан қурилган биносидан олтита хона ажратилган бўлиб, зарур техник воситалари билан таъминланган. Бу ердаги компьютерлар Интернетга уланган. АРМ имкониятларидан нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки коллеж яқинида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам фойдаланади.

— Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, — дейди коллеж директори Жасур Қулмуҳамедов, — даврий нашрлар, журналлар, слайдлар, грампластинка, аудио-ва видеоёзувлар марказнинг асосий манбаси ҳисобланади, библиографик маълумотлар асосида электрон кутубхона шакллантирилгани ҳам эътиборга лойиқ. Умуман олганда, ахборот-ресурс марказларининг ташкил қилиниши давр талаби бўлиб, бир томондан ўқувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашда муҳим қадам бўлса, иккинчи томондан аҳоли кенг қатламига кутубхона хизмати сифатини оширишда муҳим омил вазифасини ўтаётир.

Шавкат ЁҚУБОВ

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, жойларда замонавий технология билан жиҳозланган кичик корхоналарни йўлга қўйиш, шу аснода янги иш ўринларини яратиш давр талабидир.

Бу борада мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори тадбиркорларга катта имконият берди, дейиш мумкин.

2009 йил 1 июлдан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилмоқда. Дарвоқе, гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

— Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга зарур бўлган замонавий технологиялар, технологик ускуналар, хом ашё ҳамда материаллар сотиб олиш, томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган, — дейди Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи Ботир Муқимов. — 2012 йил 1 январга қадар ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияси тизимидаги субъектларни ягона солиқ тўловидан озод қилиш, иқтисод қилинган маблағларни мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, узум тайёрлаш ҳамда сақлаш объектларини техникавий қайта жиҳозлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, асосий фаолият тури гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасининг 50 фоизга камайтирилганлиги иш сифати самарадорлигини оширмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ПОКИСТОН ХАЛҚИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Покистон Фавқулодда вазиятлар агентлиги раисининг ўринбосари Неъматулла Хон Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон томонидан кўрсатилган мазкур ёрдам яқинда содир этилган қирғизистонлик қочқинлар билан боғлиқ ижтимоий фожиадан кейин ажратилгани, айниқса, аҳамиятли эканини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, «ушбу инсонпарварлик ёрдами мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган ишлар режасига биноан зудлик билан музофотларга тақсимланади. Болалар озуқаси, ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари икки кун ичида жабрланган аҳолига, жумладан, Навшаҳар ва Атток аҳоли пунктларига етказилади.

Инсонпарварлик юки таркибида келтирилган фармацевтика воситалари эса талофат кўрган ҳудудларга дори-дармон етказиб берилишини мувофиқлаштираётган Покистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирлашган навбатчи штаби ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Покистондаги ваколатхонасига топширилади».

Инсонпарварлик юкини жўнатишда қатнашган Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Воҳид ул-Ҳасан Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига Покистон халқига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этаркан, қуйидагиларни таъкидлади:

«Покистон Ислом Республикасида рўй берган табиий офат туфайли қарийб 20 миллион киши жабр кўрди, уларнинг 4 миллион нафари бошпанасиз қолди. Жала тўхтамаяпти, такрорий тошқинлар бўлиши кутилмоқда. Покистон тарихида бундай табиий офат ҳали кузатилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами жабрланганлар эҳтиёжларини қоплаш учун ўз вақтида етказиб берилди. Айни пайтда чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, болалар озуқасига, айниқса, эҳтиёж катта.

Ўзбекларда ҳам, покистонликларда ҳам «дўст кулфатда билинади», деган мақол бор. Мамлакатларимизни азалдан дўстлик ва қардошлик ришталари боғлаб туради. Покистон халқи 2005 йилда рўй берган зилзила вақтида Ўзбекистон етказиб берган ёрдамни унутгани йўқ. Шуни таъкидлашни истардимки, Покистонда ўзбек халқи, унинг қадимий маданияти ва анъаналари ғоят юксак қадрланади. Бугунги кунда Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқлар бизни ҳам қувонтиради».

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Корхоналарда маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, буюртмачилар сафини орттиришда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, ана шу асосда тайёрланган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозорда харидорини топади. «Puls Bax» қўшма корхонасидаги малакали мутахассисларнинг изланишлари ҳам яхши самара бермоқда. Корхонада замонавий дастгоҳ ва ускуналар қуввати асосида тайёрланаётган сантехника буюмлари рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Бу ерда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган ванна, раковина сингари маҳсулотларнинг 50 дан ортиқ турлари корхона дизайнерларининг бозорни ўрганиш асосида изланаётганидан далолат бўлиб, бугунги кун талабига тўла жавоб беради.

Маҳсулотларни тайёрлашда технологик жараёнларнинг пухта бажарилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани сифатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада малакали мутахассисларнинг тажриба ва билими қўл келади.

Корхонада қурилиш ташкилотлари учун ҳамда якка тартибдаги буюртмалар ҳам уддаланади. Яна бир муҳим жиҳати — талаблардан келиб чиққан ҳолда мутахассислар жойида ўрнатиб бериш хизматини ҳам амалга оширмоқда. Бундан ташқари, эскирган сантехника ашёларини таъмирлашда ҳам намунали хизмат кўрсатилади.

ҚАДОҚЛАШ АШЁЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бежирим қадоқланган маҳсулотлар харидорларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг баробарида уларнинг турли ҳажмда тайёрланиши талаб ва эҳтиёжни қондиради.

Ана шундай бир марта фойдаланиладиган қадоқлаш ашёларининг хилма-хил турлари «Central Azian Construction» масъулияти чекланган жамиятида ҳам тайёрланади.

Корхона маҳсулотларининг буюртмачилари кўп. Айниқса илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда полистирол, полипропилен, полиэтилендан тайёрланаётган идишлар дизайни билан манзур бўляпти.

Кейинги йилларда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган бир марта ишлатиладиган ошхона ашёлари — қошиқлар, санчқи, пичоқ, кофе идишлари сифати билан ажралиб туради. Улардан умумий овқатланиш шохобчаларида кенг фойдаланилмоқда, санитария-гигиена қоидаларига амал қилишда бунинг аҳамияти каттадир.

Айни пайтда маҳсулот турлари ортиб бормоқда. Музқаймоқ, торт, ярим тайёр маҳсулотлар учун ҳам ялтироқ полистирол идишлар тайёрланмоқда.

Қадоқлаш ашёларига озиқ-овқат, қандолатчилик, сутни қайта ишлаш корхоналаридан кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Корхона - бу хом ашё, бутловчи қисмлар, ускуналар, таъминот ашёлари ва хизматларнинг катта бозори. Бугунги кунда минглаб бундай субъектлар товар ва хизматлар олди-сотдиси билан шуғулланади.

Корхона эҳтиёжлари бозорда мавжуд таъминотчи томонидан товар белгиларини баҳолаб, танлаб олиш орқали қондирилади.

Самарали фаолият юритиш учун субъект тўлиқ маркетинг хизмати структурасини жорий этиши керак. Кичик корхоналарда бу вазифа бир киши зиммасига юклатилиши мумкин. У маркетинг тадқиқотлари, сотиш, реклама ва харидорлар билан ишлайди. Катта корхоналарда алоҳида маркетинг бўлими ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бўлим агентлар, реклама мутахассислари, ишлаб чиқариш бошлиқлари, бозор сегментлари бўйича бошқарувчилардан иборат бўлиши лозим.

Мамлакатимизда маркетинг хизматлари кенг ташкил этилаётир. Бундай тизим жорий этилиши, ўз навбатида, ҳақиқий бошқарув тизимини яратишга имкон беради.

Маркетинг фаолияти деганда маҳсулотларни сотиш устидан назорат қилиш, имкониятларни таҳлил қилиш, техник ва стратегик назорат ҳамда тафтишни амалга ошириш назарда тутилади.

Назорат ва тафтишдан кўзланган асосий мақсад корхона-ташкилотларнинг ишлаб чиқариш-сотиш, илмий-техник фаолияти самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Маркетинг харажатларини таҳлил қилиш товарлар турлари, бозор сегментлари, савдо манбалари, реклама воситалари бўйича амалга оширилади.

Маркетинг тафтиши, қоидага кўра, ўз ичига макро- ва микромуҳитда маркетинг хизматлари фаолият юритиши самарадорлигининг таҳлилини ўз ичига олади.

Назоратни ташкил қилиш субъектнинг катталиги, ходимларнинг малакаси, назорат вазифаларининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Маркетинг фаолияти кенг йўлга қўйилиши ушбу хизматнинг ихтисослашувига ва маркетинг назоратининг алоҳида бирлигини яратишга имконият яратади.

Шодиябону ХОДЖАЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг йиғилишида болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида урғу берилганди.

Кенгаш кун тартибида муҳокама қилинган ушбу масалалар амалда ўз ифодасини қай даражада топаётгани хусусида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Миробод тумани бўлими вакили Баҳодир Баҳромов қуйидагиларни гапириб берди:

– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий йўналиши тегишли моддий-техник негизни мустаҳкамлаб, ёшларнинг жисмоний ва маънавий камол топишига кўмаклашиш, уларни спортга кенг жалб этишга қаратилган.

Баркамол авлод йилининг ўтган даври давомида болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник негизини такомиллаштириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида оммавий спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш, истеъдод соҳиблари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Туманда 124 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, шулардан 30 минг нафари вояга етмаган ёшлардир. 16 та мактаб, еттита касб-ҳунар коллежи, учтадан академик лицей, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, битта спорт мажмуаси мавжуд. Таълим муассасаларида 330 нафардан зиёд жисмоний тарбия ўқитувчи-мураббийлари иш олиб боради. 28 та спорт тури бўйича 664 та секция фаолият юритади. Мунтазам равишда 11975 нафар бола спорт билан шуғулланади, улардан 5491 нафари қизлар бўлса, 1200 дан ортиғи спорт тоифасига эга.

Жамғармалар фаолиятидан

ҒАЛАБАЛАР КАЛИТИ ОММАВИЙЛИКДА

Жамғарма томонидан байрамлар муносабати билан кўплаб мусобақалар уюштирилади. Ўтган олти ой ичида 24 марта мусобақалар ўтказилган бўлиб, уларга 2,2 мингга яқин ўқувчи-ёшлар жалб қилинди.

Халқ таълими вазирлиги, шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини мазмунли дам олишини ташкил қилиш тўғрисидаги қўшма қарорига биноан оромгоҳларда ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида икки босқичли «Ёз-2010» спорт мусобақалари ташкил этилди. Яқинда ушбу беллашувнинг шаҳар босқичи якунланди ва ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Болалар спорт мажмуасида шанба ва якшанба кунлари «Очиқ эшиклар куни» эълон қилиниб, аёллар, шунингдек оилавий жамоалар ўртасида оммавий спорт турлари бўйича беллашувлар ташкил этилаётир.

Мақсадимиз соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, саломатлик манбаи бўлган жисмоний тарбияни ҳар бир оилага олиб кириш, ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланишига эришиш ва шу тариқа ўғил-қизларнинг ҳар тарафлама етук инсон бўлиб вояга етишига ҳисса қўшишдир. Бу йўлда ҳали олдимизда кўп вазифалар турибди. Уларни амалга оширишга масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ғайрат билан киришсак, кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Шоира МУХАМЕДОВА ёзиб олди.

«САҒБОН» БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майда қабул қилинган «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Собир Раҳимов туманидаги «Сағбон» ёпиқ сузиш ҳавзаси тўлиқ қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Таъмирлаш ишларидан сўнг ёпиқ бассейн замонавий қиёфа касб этди. Унга ҳавони янгилайдиган вентиляция, ҳавза сувини доимий тозалаб турадиган фильтрли махсус қурилмалар ўрнатилди. Кийиниш, ювиниш, тиббиёт хоналари ва тренажёр зали таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

– Сув спорти болалар танасининг тўғри ривожланишига хизмат қилади, юрак ва нафас йўллари фаолиятини ривожлантириб, саломатлигини мустаҳкамлайди, – дейди ЎзА мухбирига «Сағбон» ёпиқ сув ҳавзаси директори Анвар Яҳёев. – Таъмирдан кейин болаларнинг куз-қиш мавсумида ҳам жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратилди. Бугун сув ҳавзамизда 300 нафардан зиёд ўғил-қиз сузиш спорти билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу ерда ёшларнинг машғулотларини тўғри ташкил этиш ва саломатлигини назорат қилиш учун тўрт нафар малакали мураббий ва икки нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият юритмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Хайрли ташаббус

ЯНГИ ТЎГАРАК ИШ БОШЛАДИ

Бугун ёшларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратиб берилаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси йўлида Шайхонтоҳур туманидаги «Тахтапул» маҳалласида «Маҳалла ёш футболчиси» тўгараги очилди. Унинг ташкил этилишига маҳалла оқсоқоли Суръат Исмоилов ва фуқаролар йиғини масъул котиби Санобар Ҳакимовалар ташаббуси туртки бўлиб, айни пайтда тўгарак ёшларнинг севимли масканига айланиб улгурди. Тўгарак раҳбари Д. Нурмуҳаммедов ўсмирлар билан қизиқарли мусобақалар уюштириб келмоқда. Шундай тадбирлардан бири, аниқроғи футбол бўйича беллашувлар 20-мактаб қошидаги спорт майдонида бўлиб ўтди.

Ёшларимиз ўртасида бу каби хайрли ишларнинг олиб борилиши албатта ўз самарасини беради.

Чарос ТОШЕВА, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти талабаси

Ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ спортда катта-катта ютуқларга эришилаётир. Жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғи баланд ҳилпираётгани кўнгилларимизни фахр-ифтихорга тўлдирмоқда.

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИҚТИДОРЛАР ҚЎЛИДА

«Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими томонидан ҳар йили анъанавий тарзда маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» кўрик-танловининг пойтахт босқичини мароқ билан кузатар эканмиз, беихтиёр хаёлимиздан шу фикрлар ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, маҳаллаларда иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида уч босқичда ташкил этилаётган ушбу мусобақада 474 та маҳалладан 9-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида тузилган футбол жамоалари иштирок этади. Бу йилги мусобақаларга 170,6 мингга яқин ёшлар қамраб олингани танловнинг тобора оммалашиб бораётганидан далолат, албатта.

Мусобақанинг шаҳар босқичида 11 та тумандан 33 та жамоа иштирок этди.

Икки кун давомида «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида бўлиб ўтган беллашувлар давомида 11-12 ёшлилар жамоалари ичида «Бешёғоч» маҳалласи (Учтепа тумани) биринчи ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар «Хонобод» (Сергели тумани) ва «Чилтуғон» (Собир Раҳимов тумани) маҳаллалари жамоаларига насиб этди. 13-14 ёшлилар ўртасида шоҳсупа поғоналарини тегишли равишда «Шодлик» (Шайхонтоҳур тумани), «Чоштепа» (Юнусобод тумани) ва «Дўмбиробод» (Чилонзор тумани) маҳаллалари жамоалари эгаллади. «Хислат» (Собир Раҳимов тумани), «Хонобод» (Сергели тумани) ва «Дўстлик» (Ҳамза тумани) маҳаллалари 15-16 ёшдаги ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида беллашувлар натижалари бўйича совриндор деб топилди.

— Мусобақаларда барча маҳалла болалари фаол иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, — дейди «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими бош мутахассиси Раиса Абдуллаева. — Ғалаба учун кураш, ҳалол ўйин, дўстона мулоқот — буларнинг бари ёшларимизни спорт билан мунтазам шуғулланиши баробарида яхшиликка, соғлом турмуш тарзига риоя этишга ундайди. Айни пайтда ғолиб жамоаларимиз танловнинг республика босқичига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Уларга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Шоҳиста МУХСИМОВА

ЭПЧИЛ ВА ЧАҚҚОНЛАР ҒОЛИБ БЎЛМОҚДА

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ёзги мавсумда оромгоҳларга жалб этилмаган ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида бир қатор тадбирлар ташкил этилди.

Айниқса Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда спорт мажмуалари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган «Болалар лигаси» ўйинлари қизғин давом этмоқда. Шу кунгача уларда 1,2 мингга яқин ёшлар иштирок этди.

«Болалар лигаси» ўйинлари доирасида волейбол бўйича қизлар мусобақаларида совринли ўринларни Миробод, Чилонзор ва Юнусобод туманлари, ўғил болалар ўртасида – Миробод, Сергели ва Юнусобод туманлари жамоалари эгаллади.

«Болалар лигаси»нинг футбол бўйича мусобақаларида 1996 ва 1998 йилларда туғилган болалар ўртасида Чилонзор, Бектемир, Учтепа ҳамда Мирзо Улуғбек туманлари жамоалари юқори очколар билан иштирок этиб келмоқда.

Маҳбуба ҚУРБОНОВА, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали мутахассиси

БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида 2010 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини жадаллаштириш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш, кичик корхоналар ва микрофирмалар сонини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича сармоявий, тармоққа оид, махсус дастурларнинг амалга оширилиши, касаначиликни ташкил қилиш, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали унинг қўлланиш соҳаларини кенгайтириш ва бошқалар бу борадаги устувор йўналишлар ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган алоҳида эътибор, айниқса, саноат, қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кичик корхоналар ва микрофирмаларда жадал суръатларда янги иш ўринлари ташкил этиш имконини бермоқда. Аҳоли турар-жойларини барпо этиш, шунингдек, аҳоли пунктларини ободонлаштириш дастурини амалга оширишни давом эттириш ҳисобига 53 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 мингтага кўпдир.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда янги иш ўринларини ташкил қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Саноат тармоғида яратилган иш ўринлари улуши умумий иш ўринларининг 11 фоизини ташкил этди. 2009 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 7 фоиз бўлган эди.

Аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 30 та туман ва шаҳарларда ҳисобот даврида 82,8 минг иш ўрни яратилди. Бу мазкур туманлар учун дастурда белгиланган кўрсаткичдан 6 фоизга кўпдир. Жумладан, янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобига 28 мингга яқин иш ўрни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида, шунингдек, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларида паррандачиликни кенгайтириш орқали 52 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Фуқароларни иш билан таъминлашда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари муҳим ўрин тутади. Улар меҳнат бозорида талаб кучли бўлган касблар, масалан, тўқимачилик ва бичиш-тикиш соҳалари, қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, ахборот-коммуникация соҳалари бўйича касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

- Жорий йилнинг биринчи ярмида туманимиз корхоналари томонидан бизга 1374 та бўш иш ўрни тақдим этилди, - дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Шоҳруҳ Хўжаев. - Биз ҳар ой иш ўринлари базасини янгилаб борамиз ва талаб юқори бўлган соҳалар бўйича иш қидираётган кишиларни ўқитамиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳузуридаги ўқув марказида 24 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўқиш 1 ойдан 3 ойгача давом этади, кейин битирувчиларга сертификат ва ишга йўлланма берилади. 6 ой давомида туманимиз аҳолисидан 315 киши махсус тайёргарликдан ўтди. Туманимизда жойлашган йирик корхоналар билан самарали ҳамкорлик қилган ҳолда, очиқ эшиклар кунларини ўтказамиз. Ушбу тадбирлар доирасида иштирокчилар корхоналар ҳақида ва ишга жойлашиш бўйича батафсил маълумотга эга бўлишлари мумкин. 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида 2353 нафар киши иш билан таъминланди.

Таъкидлаш керакки, 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича 13,8 минг киши касбга ўқитилди ва кейинчалик ишга жойлашди. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 марта кўп. Шунингдек, ҳокимликлар, туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари, корхоналар, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда 306,9 минг нафар киши иш билан таъминланди, ишсиз фуқаролардан 25,8 минг киши ҳақ тўланадиган вақтинчалик жамоат ишларига йўналтирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўпдир.

Вилоятлар марказлари ва туманларда ўтказилаётган иш ўринлари ярмаркалари фуқароларнинг ишга жойлашишида муҳим аҳамият касб этади. Тошкентда жорий йилнинг июнь ойи охирида ташкил этилган ихтисослашган ярмарка бунга яққол мисол бўла олади. Унда 12 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этган 500 дан зиёд корхона иштирок этди. Мазкур ярмаркага иш топиш истагида бўлган коллеж битирувчилари ва бошқалар - 18 мингга яқин киши таклиф этилди. Тадбир якунида ярмарка қатнашчиларининг 60 фоизи ишга йўлланма олди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбири

Азим шаҳарнинг гўзал манзаралари

Жумладан, жамғарма Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликда кенг кўламда фаолият олиб бормоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Ўрта Чирчиқ тумани болалар касалхонаси мукаммал таъмирланди ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Жанубий Кореянинг «КИФ-Н» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда «Тенг имкониятлар» лойиҳаси доирасида 2007-2010 йилларда 73 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг олий ўқув юртларида ўқиши учун шартнома тўлов пуллари тўланди.

«JCI Korea» ташкилоти билан келишувга мувофиқ «Оғриқсиз юрак» халқаро акцияси амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда 30 нафар юрак хасталиги билан оғриган болажонлар бепул Корея давлатининг нуфузли клиникаларида жарроҳлик операцияларини муваффақиятли ўтаб юртимизга қайтишди.

Ҳамкорлик

ТАШРИФ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом авлод» ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдамни кўрсатиш мақсадида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган «Hyundai» русумидаги мобил автоклиника Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига тақдим этилди. Бугунги кунга қадар ушбу мобил автоклиника Тошкент ва Сирдарё вилоятлари аҳолисига хизмат қилмоқда.

Хайрли ишларни давом эттириш мақсадида яқинда пойтахтимизга Сеул миллий университети госпиталидан 52 нафар юқори малакали кардиолог, терапевт, педиатр, ортопед, офтальмолог, отоларинголог, бошқа тор доирадаги соҳа мутахассисларидан иборат делегация ташриф буюрди.

Делегация ташрифи доирасида кореялик мутахассислар томонидан 22-25 август кунлари «Соғлом авлод учун» жамғармаси тиббий ижтимоий марказида 500 нафар, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги А.Яссавий номли қишлоқ фуқаролар йиғинида – 600 нафарга яқин бемор болалар, аёллар, эркаклар ва қариялар тиббий кўрикдан ўтказилади, шунингдек Тошкент педиатрия тиббиёт институтида туғма юрак нуқсони билан оғриган болаларда жарроҳлик муолажаси қўлланилади.

И.ДИЛШОДОВ
Козим Ўлмасов олган сурат

Спорт янгиликлари

Истеъдодли спортчиларимиз — Анастасия Байкова ҳамда Руслан Қурбонов олимпия медали учун курашни давом эттирадиган бўлди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ФИНАЛДА

Сингапур Олимпиадасида Осиё чемпиони сифатида қатнашаётган Анастасия Байкова енгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш тури бўйича саралаш мусобақасида 12 метр 33 сантиметр натижани қайд этиб, энг кучли спортчилар қаторида совринли ўринлар учун рақобатлашадиган бўлди.

Уч хатлаб сакраш бўйича Осиё чемпионатида кумуш, ўсмирлар ўртасидаги I Осиё ўйинларида бронза медални қўлга киритган ҳамюртимиз Руслан Қурбонов Олимпия ўйинлари совринига ҳам асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Иқтидорли атлетикачи Сингапурдаги саралаш беллашувларида 15 метру 32 сантиметр натижа билан финалга чиқди.

Ўсмирлар Олимпиадасининг уч хатлаб сакраш бўйича ҳал қилувчи финал беллашувлари 23 август куни ўтказилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган 17-турда пешқадам «Бунёдкор» муҳим очколардан маҳрум бўлди.

Мезбон «Андижон» жамоаси билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдлари тенг курашлар остида кечган учрашувда муроса йўлини танлашга мажбур бўлишди. 90 дақиқа мобайнида ҳар икки томон ҳужумкорликка зўр бермасдан дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтди. «Бунёдкор»ни изма-из таъқиб қилиб келаётган «Пахтакор» ҳозирда турнир жадвалида тўртинчи поғонага кўтарилиб олган Ғузорнинг «Шўртан» командасини қабул қилди. Ғузорлик чарм тўп усталарига қарши учрашувга жиддий тайёргарлик кўрган пахтакорчилар устунликни ўз қўлига олди. Бешинчи дақиқада рақиб дарвозаси томон хавфли ҳужум қилган Фарход Тожиевни меҳмонлар қоида бузиш йўли билан жарима майдони ичида тўхтатиб қолди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Боян Миладинович бехато амалга оширди — 1:0.

Иккинчи бўлим ҳам Равшан Ҳайдаров шогирдларининг устунлигида ўтди. Жамоадошлари бошлаган ҳужумни самарали якунлаган Одил Аҳмедов ҳисобни 2:0 га етказди ва «Пахтакор» жамоаси шу ҳисобдаги муҳим ғалабани қўлга киритди.

Мезбон «Хоразм» жамоаси билан беллашган шаҳримизнинг бошқа жамоаси «Локомотив» 1:1 ҳисобида дуранг натижани қўлга киритди. Дарвозаларни «Хоразм»дан Полвонов, «Локомотив»дан – Абдуллаев ишғол этишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Металлург» — «Нефтчи» — 2:2, «Машъал» — «Насаф» — 1:0, «Олмалиқ» — «Қизилқум» — 1:1, «Навбаҳор» — «Динамо» — 2:0.

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 18-тур учрашувлари 26 августда бўлиб ўтади.

«ҚУМАРИҚ» ЖАМОАСИ — ҒОЛИБ

Сергели тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ бўлими томонидан ҳамкорликда футбол турнири ташкил этилди.

Тобора яқинлашиб келаётган юртимиз Истиқлолининг 19 йиллиги ҳамда Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилган беллашувда тумандаги маҳаллаларда яшовчи болалардан таркиб топган жамоалар куч синашди. Муросасиз кечган баҳслар якунида биринчи ўринни «Қумариқ» жамоаси футболчилари эгаллаган бўлса, «Ўзгариш» командасига иккинчи ўрин насиб этди. Ҳабибий номидаги маҳалла жамоаси эса учинчи ўрин билан кифояланди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

«МАНАС» эпосидан

Бу ўткинчи дунёнинг ўз қонуниятлари, улуғ билан кичикни баробар қилиб қўядиган русумлари бор.

* * *

Халқнинг орасини ноҳс ниятли одамлар бузади.

* * *

Ортингда фарзанд бўлмаса, топган молу дунёнинг нима кераги бор?

* * *

Боласиз дунё қушсиз уядай, чумчуғи йўқ чинордай, бақаси йўқ кўлмакдай, ўт-ўлансиз даладай гап.

* * *

Асил бойлик фарзанд экан.

* * *

Фарзанд кўрмаган одам боланинг қадрига етармиди?

* * *

Уққан қулоқда ёзуқ йўқ.

* * *

Ботир бўладиган одам қийинчилик тортиши, иссиқ-совуқни бошидан ўтказиши шарт.

* * *

Хомсемизлик билан полвонликнинг ўртасида еру осмон қадар фарқ бор.

* * *

Тирик одамга дунё билан мол қўлнинг кири.

* * *

Аввало туғишган элу элатни, кейин ўзингни қадрла.

* * *

Олисдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши.

* * *

Ажалдан мол-мулк қутқармайди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар худудий СИБ томонидан 1. 03.05.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Низомий кўчасида жойлашган икки қаватли қурилиши тугалланмаган 12-уй қўйилмоқда, бошланғич нархи – 192 558 500 сўм., 2. 06.03.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Қибрай тумани, Мичурин» дала ҳовличилар худудида жойлашган 67-сонли дала ҳовли қўйилмоқда, бош. нархи – 331 316 115 сўм., 3. 06.03.2006 йилдаги № 1167/2-сон ижро варақасига асосан 1994 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. М 44-28 бўлган «Хундай Саната» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 10 989 255 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 30 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар ва автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 21 октябрь куни бўлиб ўтади.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2010 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.14.09.2009 йилдаги № 1-674 сон ижро варақ. асосан 1963 йилда и/ч дав.бел. 11 К 2070 бўлган «М21УС» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 919 868 сўм. 2. 10.08.2009 йилдаги № 1-298 сон ижро варақ. асосан 2005 йилда и/ч. дав.бел. 30 P 1291 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 098 218 сўм. 3. 04.03.2010 йилдаги № 2-040 сон ижро варақ. асосан 2007 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 T 592 DA бўлган «Ниссан алтима» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 58 500 000 сўм. 4. 23.07.2009 йилдаги №1-332 сон ижро варақ. асосан ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. 10 A 0572 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 049 974 сўм.

1.Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 18.03.2010 йилдаги № 1-406/2009-сон ижро варақасига асосан Шарқли Мелиса жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: 2007 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 30 Z 94-41 бўлган «HAFEI» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 17 221 599 сум. 2.21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан Файзиобод ТИФ божхона омборида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав.белгисиз бўлган «Тойота РАВ-4» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 33 250 500 сўм

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2765 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 706
Топширилган вақти: 15.30